Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 29-yanvar. Shanba ● 13 (31.289) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ЭНГ МАҚБУЛ ВА ЭНГ ТЎҒРИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда эришаётган ютуқларини халқаро сиёсатчилар ва кузатувчилар тобора кенгроқ эътироф этмоқда.

Жак БАРРА,
Париж-Ассас II университети профессори (Франция):

Ўзбекистон ўзи учун энг тўғри ривожланиш йўлини танлаган. Буни Европа Иттифоқи ҳам, НАТО ҳам эътироф этиши керак. Республикада амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида эришилаётган сезиларли ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жамиятни демократлаштириш жараёни ўзбек халқининг хоҳиш иродаси, кўп асрлик тарихи, маданий ўзига хослиги, дунёқараши, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан талафотсиз чиқаётган саноқли мамлакатлардан биридир. Бу омил ЕИга аъзо давлатлар сармоясининг ўзбек бозорига киришида ишончли кафолат бўла олади.

Тецуджи ТАНАКА,
Марказий Осиё ва Кавказ маркази ижрочи директори (Япония):

Президент Ислом Каримовнинг Брюсселга ташрифи Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва НАТО билан ҳамкорлик муносабатларида янги саҳифа очди. Европалик сиёсатдонлар расмий Тошкентнинг минтақада осойишталик ва барқарорликка эришишдаги муҳим позициясини англаб етишмоқда. Буни сўнгги вақтларда Марказий Осиёда кузатилган нотинч вазиятлар шароитида Ўзбекистоннинг қатъий позицияда тургани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ташриф доирасида энергия ва хавфсизлик соҳасида эришилган келишувлар келгусида Марказий Осиё ва Европанинг турли манфаатли соҳаларда очилмаган қирраларини кашф этиш имконини бериши, шубҳасиз.

Зеев БЕН-ЦОЛАР,
Қуддус университети доктори (Исроил):

Ўзбекистон иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига ихтисослашган давлатдан кескин юксалишни бошидан кечираётган замонавий технологиялар мамлакатига айланиб бормоқда. Саноқли йилларда асрга тенг йўлни босиб ўтган бу юртда бугун юздан ортиқ янги турдаги, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон — Марказий Осиёда автомобиль ишлаб чиқарувчи ягона мамлакат. Бу ерда чиқаётган турли моделдаги замонавий енгил автомобиллар, юк ташувчи «МАН» автомашиналари, дунёга машҳур «LG» маркасидаги музлатгич ва бошқа юксак технологик маҳсулотлар фикримиз далилидир.

Брендон КРЕИГ,
Сиёсий шарҳловчи (Англия):

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, туб ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир Концепция демократик институтларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади, кўппартиявийликнинг барқарор платформасини яратиш, жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, мухтасар айтганда, ислоҳотлар жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрлади.

ЎзХДП: электорат манфаати

Аҳоли саломатлиги — доимий муҳофазада

Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигига эришишда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Наманган шаҳридаги 1-шифохона аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган муассасалардан бири.

445 ўринли ушбу шифохонада аниқ ташҳис қўйиш ва стационар шароитда даволаниш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Туғуруқхона, реанимация, болалар, кўз касалликлари каби бўлимлар энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

Шифохонада фаолият кўрсатаётган врачларнинг деярли барчаси олий тоифали мутахассислардир. Бу ерда ўрта тиббиёт ходимларининг ҳам касб маҳоратини, билим ва кўникмасини оширишга доимий эътибор қаратилади.

Суратда: *акушер-гинеколог Мухлиса Атаматова.*
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали, замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилди.

Янгиликлар

Замонавий корхона

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги Бордонкўл қишлоғида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона иш бошлади.

Янги корхона соатига 14 минг донадан ортиқ қадоқланган хуштаъм ичимлик ишлаб чиқариш қувватига эга. Германия ва Италиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган корхонанинг ишга туширилиши натижасида 40 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Самарқандда автобуслар сони кўпайди

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш, мавжуд автокорхоналарни янги, замонавий автобуслар билан таъминлаш масаласи Самарқандда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим тармоғи ҳисобланади.

Шу мақсадда 2010 йили «Самарқандтранс» йўлдош корхонаси ташкил этилиб, лизинг асосида 180 та «Исузу» автобуслари харид қилинган ҳамда шаҳардаги 32 та йўналиш бўйлаб аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатила бошланган эди.

Лизингнинг афзалликларини фаолияти давомида намоён эта олган транспортчилар харажатнинг маълум қисмини қоплаб, олинган соф фойда ҳисобидан яна 20 та замонавий «Исузу» автобусини харид қилишди.

— Натижада корхона қошида 50 та иш ўрни яратилди, — дейди «Самарқандтранс» йўлдош корхонаси директори Файзулло Муртазоев. — Мазкур автобуслар билан шаҳардаги 2 та йўналиш бўйлаб аҳолига транспорт хизмати кўрсатилади. Йил охирига қадар яна 140 та янги автобус харид қилиш режалаштирилган.

Демак, ушбу лойиҳа амалга ошса, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қатъий жадвал асосида транспорт хизмати кўрсатиш имконияти янада кенгаяди.

Абдували ХУДОЁРОВ.

ЎзХДП фракцияси изланишда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўтган йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни тақдим этган эди. Концепцияда қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб, ўз қонун ижодкорлиги дастурини ишлаб чиқди. Айни пайтда фракция аъзолари ана шу дастур ва партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар асосида қатор қонунлар лойиҳалари устида ишламоқда.

Президентимиз янги йилимизга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном бериб, унинг мазмун-моҳияти ва бу борада учраётган муаммолар ҳақида жумладан, шундай деган эди: **Жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, кўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.**

Таҳририятимиз 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан **«Ўз бизнесимни очмоқчиман»** рукнини ташкил этди. Бундан кўзланган асосий мақсад, эндигина бизнес соҳасига кириб келаётган, яъни бошловчиларга йўл-йўриқ кўрсатишдир. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Сиз ўз бизнесингизни бошламоқчимисиз? Бу борада сизга албатта ҳуқуқий маслаҳат зарур. Ўшандагина адашмайсиз. Хато қилмайсиз. Бугундан бошлаб газетамизда сизни қийнаётган муаммолар, тушунмаётган масалаларингиз бўйича саволларингизга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари, маҳаллий ҳокимиятлар масъул ходимлари жавоб беришади.

Саволларингизни хат, телефон, факс, электрон почта орқали юборишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 233-79-14, 233-12-56;
факс: 233-65-45.
Электрон почта: info@uzbekistonovozi.uz

Ваъда бериш осон, уни бажариш-чи?

... якунланган йилда халқ депутатлари туман Кенгашининг 7 та сессияси, мавжуд 6 та доимий комиссиянинг 20 дан зиёд йиғилишлари ўтган бўлса-да, ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар ва уларни бирлаштирган депутатлик гуруҳи таклифи ёхуд ташаббуси билан биронта ҳам масала муҳокама этилмаган.

→2

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1630,20	1 Миср фунти	284,24	1 СДР	2566,40	10 Жанубий Корея вони	14,73
1 Англия фунт стерлинги	2635,57	1 Канада доллари	1661,14	1 Туркия лираси	1048,95	10 Япония иенаси	199,47
1 БАА дирҳами	449,51	1 Хитой юани	250,77	1 Швейцария франки	1720,34	1 Россия рубли	55,01
1 АҚШ доллари	1650,84	1 Малайзия рингги	540,11	1 Евро	2213,36	1 Украина гривнаси	207,82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎзХДП ҳаёти

Янги давр янгича ишлашни талаб этади

Қашқадарё вилоят партия кенгашининг V пленумида ана шулар ҳақида фикр юритилди

Пленумда вилоят кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари ҳамда йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этишди. Унда Президентимиз илгари сурган Концепцияни амалга оширишда вилоят партия ташкилотининг амалий иштироки масаласи муҳокама қилинди.

— Биз янги давр ва янги вазифалар олдида турибмиз, — деди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Музаффар Туропов. — Одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эртанги кунга ишончи, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётгани биз ўз фаолиятимизни тубдан такомиллаштиришимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

Концепция амалга ошиши электоратимизнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шунга ҳамоҳанг равишда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили электоратимиз ижтимоий ҳимояси учун қўшимча имкониятлар яратади. Демак, амалий ишларимиз ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга бевосита қаратилиши зарур.

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим жиҳатларидан бири аҳоли бандлигини таъминлашдир. Бу масала бугун биз кўриб чиқаётган Ҳаракат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. 2011 йилда вилоятимизда 86990 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бу вазифанинг тўлиқ бажарилиши партиямиз фаоллари, депутатлик гуруҳларимизнинг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Кун тартибидаги масала қизғин муҳокама қилинди, таклифлар, танқидий фикрлар билдирилди.

Ашур НОРБОЕВ,
ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:

— Ўтган йил давомида туман Кенгаши сессияларига тўртта масала киритдик. Шулардан аҳоли бандлиги, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга оид ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди, бажарилиши назоратга олинди. Биз Концепцияни 40 та бошланғич ташкилотда ўрганишни ташкил этдик. Халқ депутатлари туман Кенгашида 50 фоиз депутатлик ўрнини эгаллаганмиз. Муҳокамалар якунлари бўйича депутатлик гуруҳи фаолиятининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Улар туманимиз тараққиётига, электоратимиз манфаатига дахлдор масалалардир.

Жумақул ҚУРБОНОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, сиёсий фанлар номзоди:

— Мамлакатимизда 5700дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Концепцияда уларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Жамоатчилик назорати, ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги ва бошқа қонунларни қабул қилиш таклифи билдирилди. Менимча, партия ташкилотлари нодавлат тузилмалар, ўзини ўзи бошқариш институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтириши лозим. Ана шунда одамлар қандай ҳаводан нафас олаяпти, нималар уларни қийнаяпти — ўз вақтида хабардор бўламиз. Бу сессиялар муҳокамасига турли масалаларни киритишга асос бўлади.

Олим РАВШАНОВ,
вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларига эътиборингизни қаратмоқчиман. «Ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир». Қаранг, қандай катта ишонч. Демак, фаолиятимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Мен вилоятдаги мавжуд 870 та бошланғич ташкилотнинг барчаси бирдек фаол ишлаяпти, дея олмайман. Янги даврнинг янги вазифаларини чин дилдан адо этиш учун аввало бошланғич ташкилотларимизни жонлантиришимиз зарур эмасми? Биринчи навбатда туман партия кенгашлари раҳбарлари бу саволга жавоб беришлари керак.

Абдусалом ЎРОҚОВ,
Қарши давлат университети профессори, партия фаоли:

— Дарҳақиқат, бошланғич ташкилотлар фаолиятини шу кун талаби асосида кучайтириш керак. Энг муҳими, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялашда уларнинг алоҳида ўрни бўлиши зарур.

Масалан, туманнинг чекка бир қишлоғида қўллаб-қувватлашга муҳтож оила яшайди. Қорамол боқиш имконияти бор. Аммо сигири йўқ. Буни туман партия кенгаши ҳам, депутатлар ҳам билмаслиги мумкин. Бошланғич ташкилотлар шу аниқ масала юзасидан туман партия кенгашига мурожаат этиши зарур.

Пленумда шу каби кўплаб ҳаётий масалалар ўртага ташланди. Деҳқонобод туманидаги Мамат Аҳмедов номли маҳалла ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Азамат Човлиев, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Озод Умиров, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ахборот-таҳлил маркази бош илмий ходими, Қарши туман Кенгаши депутати Носир Халилов ва бошқалар ҳам долзарб масалаларни ўртага ташлади. Уларнинг таклифлари ҳисобга олиниб, вилоят партия ташкилотининг Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Устувор вазифалар муҳокамада

Бугун аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги янги демократик жамият қуришдек эзгу мақсад сари интилаётган мамлакат учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда Наманган вилоят партия кенгашининг V пленумида ҳам алоҳида таъкидланди.

Пленумда Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг бажарилишида вилоят партия ташкилотининг иштироки муҳокама қилинди.

— Мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш партиямиз Сайловолди дастуридаги устувор йўналишларни амалга оширишнинг бош омилидир, — деди вилоят партия Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев. — Шунинг учун амалий ишларимиз кўламини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган ташаббуслар билан тўлдиришимиз зарур.

Шунингдек, нотиқ юртимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилувчи «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши мамлакат аҳолисининг узоқ муддатли ижтимоий манфаатларига, демакки, партиямиз электоратининг манфаатларига жавоб беришини эътироф этди.

Шундан сўнг халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, туман тиббиёт коллежи директори Марҳабатхон Болтабоева, Наманган тумани маънавият-тарғибот маркази масъул котиби Нуриддин Бобоназаров ва бошқалар сўзга чиқиб, Юртбошимиз илгари сурган Концепцияда юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғояларнинг ўртага ташлангани билан муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этишди. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этиши, мазкур қатламнинг хоҳиш иродаси, ҳаётга муносабати, жамиятни демократлаштириш ва турмушимизни сифат жиҳатдан янгилашнинг гарови эканини ҳисобга олиб, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлган, замон талабларига жавоб берадиган кадрларни шакллантириш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратиш кераклиги хусусида фикр билдирилди.

Партия ғояларини тарғиб этишнинг янгича усулларини жорий этиш муҳимлигига ҳам эътибор қаратилди. Жойлардаги тарғибот гуруҳлари фаолияти самарали ташкил этилмаётгани, бошланғич ташкилотлар ишини тубдан ўзгартириш кераклиги, партия ташкилотлари ва барча депутатлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, тегишли хулоса асосида зарур чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Пленумда юқоридаги фикрлар инобатга олиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди. ЎзХДП Наманган вилоят ташкилотининг Концепцияни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Хуршид ФАЙЗИЕВ

Ваъда бериш осон, уни бажариш-чи?

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтганига бир йилдан ошди. Халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашига сайлов ўтказилган 30 та округнинг 16 тасида ЎзХДП, 8 тасида эса ЎзЛиДеП вакиллари сайловчиларнинг энг кўп овозини олган эди.

Хўш, депутатлар қай даражада фаолият кўрсатаяпти? Сиёсий партиянинг вакиллари бўлган депутатларни бирлаштирган депутатлик гуруҳлари-чи? Бугун улар зиммасига юкланган масъулиятни қандай ҳис этишаяпти? Сайловчилар ишончини оқлаш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишларни уддасидан чиқишаяптими?

Маълумотларга қараганда, сайловдан кейинги бир йилдан кўпроқ муддат давомида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман Кенгаши сессияси муҳокамасига иккита масала киритилган. Шундан бири 24 июль куни бўлиб ўтган сессияда «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурининг тармоқлари ижроси ҳақида»ги масала қайта кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унинг ижроси бўйича аниқ ишлар бўлаётгани эътиборга лойиқ. Шунингдек, апрель ойида «Туманда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида туман прокуратураси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида»ги масала Қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот масалалари бўйича доимий комиссия муҳокамасига олиб чиқилди. Ўз навбатида доимий комиссия масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, уни туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритишга қарор қилди. Ушбу масала юзасидан халқ депутатлари туман Кенгаши қабул қилган қарорга кўра, депутатларни ҳуқуқий тарғибот ишларига кенг жалб этиш вазифалари белгиланди.

Аммо якунланган йилда халқ депутатлари туман Кенгашининг 7 та сессияси, мавжуд 6 та доимий комиссиянинг 20 дан зиёд йиғилишлари ўтган бўлса-да, ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар ва уларни бирлаштирган депутатлик гуруҳи таклифи ёхуд ташаббуси билан бирон-та ҳам масала муҳокама этилмаган.

Ҳақли савол туғилади: бундай сукут сақлашни, сусткашликни қандай тушунмоқ керак? Ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида куч-қувватлари, имкониятлари етмаяптими ёки туманда электоратини ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммолар йўқми?

Афсуски, бундай эмас. ЎзЛиДеПдан сайланган депутатларни қизиқтириши, эътиборини тортиши керак бўлган масалалар кўп, албатта. Қишлоққа саноатни олиб кириш, тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги сунъий ғовларни олиб ташлаш, хусусий бизнесини йўлга қўйиш истагидаги фуқароларга ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича таклифлар билан чиқиш ўрнига либераллар томошабин бўлиб тургани кишини ўйлантиради.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига ЎзЛиДеП вакили Фотима Шодиева раҳбарлик қилади. Ҳаттоки, ўз аъзоси бошқараётган доимий комиссияда ҳам ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан бирон-та ҳам масала кўриб чиқилмаган.

Энди ўзингиз хулоса чиқаринг: тадбиркорлар ва ишбилармонларни ўзининг электорати, деб эълон қилган, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоялашни мақсад қилган партия туман кенгаши, депутатлик гуруҳи фаолиятидаги бундай хотиржамлик нафақат ЎзЛиДеПнинг ўзи, балки туман учун, бу партия вакилларини қўллаб-қувватлаган одамлар учун ҳам қимматга тушмасмикан?

— Очиғи, ишимизда ҳали камчиликлар кўп, — дейди ЎзЛиДеП туман кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Дилора Юлдашева. — Хусусан, туман кенгаши, депутатлик гуруҳи фаолиятида ҳали-ҳануз тарқоқлик сақланиб қолаяпти. Етарлича фаоллик кўрсатмаётган, электоратимизни қизиқтираётган масалалар бўйича таклиф ва ташаббус билан чиқмаётган депутатларимиз ҳам афсуски, йўқ эмас. Шулар сабаб, бир йилдан кўпроқ даврда туман Кенгаши сессиялари, доимий комиссиялари муҳокамасига бирор масала киритолмаганимиз рост.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 24 июль куни бўлиб ўтган учинчи сессияси материаллари билан танишсангиз, шундай жумлаларга кўзингиз тушади: «Айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорларимиз турли хил йўллар билан даромад топиш илинжида қонунларга, белгиланган тартибларга риоя этмасдан фаолият юритишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида солиқ инспекцияси томонидан 28 та шохобчада текшириш ва 350 та шохобчада хронометраж тадбирлари ўтказилди. Натижада 28 ҳолатда турли хил қонунбузилишлар, шу жумладан, 25 ҳолатда назорат касса машинасидан фойдаланмаслик, 21 ҳолатда 1,8 млн. сўм нақд пул маблағларини банкка топширмаслик, 4 ҳолатда 540 минг сўмлик товарларни ҳужжатсиз сотиш аниқланган... Ҳудудда 28 та, шундан 24 та савдо, 4 та умумий овқатланиш корхоналари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, пул тушумларини банк кассасига топширмасдан фаолият юритган... «Тўлқин қизи Камола» хусусий корхонаси, «Нилуфар Шоҳруҳ» МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган».

Бу маълумотлар ЎзЛиДеП ўз электорати билан етарли иш олиб бормаётганини кўрсатади. Бундай ҳолатлар ҳеч бўлмаса, мазкур партия вакили раҳбарлик қилаётган доимий комиссияни ташвишга солиши керак эмасмиди? Албатта, доимий комиссияларда бошқа партияларнинг ҳам вакиллари бор. Аммо айнан шу ишлар учун маъсул бўлган доимий комиссия амалда деярли ҳеч иш қилмагани кишини таажжубга солади.

Биз ЎзХДП депутатларини ёқлаш, ЎзЛиДеП вакиллари фаолиятини қоралаш фикридан йироқмиз. Чунки, ХДП депутатлари орасида ҳам ўз бурчини тўла-тўкис ҳис қилмаётганлар топилади. Бу ҳақда туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Имомберди Бердиев шундай дейди:

— Биласизми, сессияга шунча масала тайёрладик, доимий комиссияга бунча таклиф бердик, дейиш билан иш битмайди. Гап сонда эмас, сифатда. Демак, сизнинг таклифингиз, ташаббусингиз сессия томонидан қай тарзда кутиб олинди, у қандай самаралар берди ва унинг электоратга, одамларга, сайловчиларга фойдаси тегдими? Аслида, муҳими шу. Бу борада бизнинг ҳам қиладиган ишларимиз кўп. Ҳамма депутатларимизни бирдек фаол дея олмаймиз.

Шу ўринда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлар чоғида «Агар депутат этиб сайлансам...» деб бошланадиган сайловолди дастурларида берилган кўп-кўп ваъдаларини бир эслаб кўрайлик. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди, бу ваъдаларнинг тақдири қандай кечганлиги тўғрисида мулоҳаза юритсак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўтган бир йил давомида ўзи мансуб бўлган сиёсий партиянинг сайловолди дастури, электоратнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бирон-бир жўяли таклиф, амалий ташаббус билан чиқмаган депутатнинг «фаолияти»ни қандай баҳолаш, бундай узоқ муддат жим юриш, сукут сақлаб туришни қандай изоҳлаш мумкин?

Бу ўринда ЎзХДП депутатларининг ҳам зиммасида катта масъулият бор. Нега сиёсий майдондаги рақибларини танқид қилишмайди? Сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилида юраверсак оқибати нима бўлади? Сайлов олдидан эълон қилган дастурларда белгиланган вазифаларни ким бажаради?..

Ҳаёт ХИДИРОВ

Хорижда

Лавозимини сақлаб қолди

Ирландия Бош вазири Брайан Коуэн парламентни бошқариб турган партия етакчилигини, айни чоғда, бош вазир ловозимини ҳам сақлаб қолди.

Мамлакатда пайдо бўлган сиёсий танглик туфайли жаноб «Коунна файл» партияси депутатлари томонидан қайта сайловга қўйилиши талаб қилина бошланган эди. Амалдаги ташқи ишлар вазири Майкл Мартин ва Брайан Коуэнга овоз бериш жараёни парламентда 71 нафар депутат иштирокида ёпиқ эшиклар ортида ўтган. Овоз бериш натижасига кўра, кўпчилик овози билан Бош вазир ўз лавозимини сақлаб қолди.

Эътиборни тортиш учун

Швейцариянинг Давос шаҳрида халқаро конференция бошланди. Унда ўттизга яқин давлат раҳбарлари, юздан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманнинг иккинчи куни йиғилиш ўтказилаётган бинодан беш юз метр нарида портлаш содир бўлди. Маълум бўлишича, маъмурият вакиллари тунаб қолган меҳмонхонага портловчи қурилма ўрнатилган. У белгиланганидек тонгги соат олтида эмас, кундузи соат тўққизда ҳаракатга келган. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабр кўрмади. Қўпорувчилик учун жавобгарликни Швейцариянинг сўллар ҳаракати ўз зиммасига олди. Улар узоқ йиллардан бери мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизими Европада энг паст даражада эканига урғу бериб келишади.

100 миллион қалбаки пул

Хитойнинг Гуандун ва Фуцзянь ўлкаларида сохта пул ишлаб чиқарувчи корхона аниқланди.

100 миллион юан(қарийб 15,2 миллион АҚШ доллари)га яқин ясама пул жиноят жойида олиб қўйилди. Мамлакат ҳукумати пул ясовчи қаллоблар устидан кескин чора-тадбирлар кўриш ва қалбаки пулларнинг бозорга чиқиб кетиши олдини олиш бўйича махсус дастур жорий қилган. Шундан келиб чиқиб, ҳозиргача мамлакат ички бозоридан қарийб 350 миллион юан — сохта пул йиғиб олинди.

Рекорд нарх

Италия уйғониш даври рассоми Вечеллио Тицианнинг диний руҳдаги ижод намунаси Нью-Йоркдаги «Сотбис» аукционида энг юқори нархда сотилди.

Кимлигини маълум қилмаётган санъат ишқибози «Муқаддас сухбат» деб номланган асар учун 16,9 миллион доллар тўлаган. Тицианнинг мазкур асари 1560 йили чизилган ва ўтган тўрт ярим аср вақт ичида олти марта қўлдан-қўлга ўтган. Кўриниб турибдики, ихлосмандлар асарнинг сифати яхши эканини, шахсий коллекцияда Леонардо да Винчи чизган расмларга рақобат қила олишини юксак қадрлашади.

Олтин танга сотувчи қурилма

Токионинг марказий кўчаларида олтин танга билан савдо қиладиган автомат қурилмалар пайдо бўлди.

— 2010 йили олтин қиймати жуда кўтарилди. Бу кишиларда қоғоз пулга нисбатан ишончсизлик туғдирди. Айниқса, евро ва долларнинг қадри тушиб кетгани, Хитой ва Ҳиндистон каби жадал ривожланаётган Осиё мамлакатларида олтин қадри ортгани япон қурилмаларини янада оммалаштиради, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Макиси Рокугава.

1 граммдан 8 граммгача тилла тангаларни биржа нархида «пуллайдиган» автомат рўпарасида харидор жуда кўп. Бугун бозор нархида сиз қурилмадан 7,2 граммлик тилла тангани 410 долларга сотиб олишингиз мумкин.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Миллий моделимиз

барқарор иқтисодий ўсиш кафолати

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида биз танлаган йўл тўғри эканини ва бу йўлда собитқадам давом этишимизни яна бир бор асослаб берди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи, бу йўлда қўлга киритган муваффақиятлар, иқтисодиётнинг жадал суръатда ўсиши, авваламбор, узоқни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар натижасидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, ёш давлатлар учун оғир синов бўлмоқда. Шу билан бирга, танлаган ривожланиш модели қанчалик ҳаётий ва амалий экани давр синовидан ўтмоқда. Бу ҳам тарихий имконият, албатта.

Биз бу даврдан ларзаларсиз ўтмоқдамиз. Бунда Юртбошимиз ташаббуси билан иқтисодиёт ва молия тизимида ҳали инқироз «шарпаси» сезилмаган бир пайтда, унинг таъсири олдини олиш ва юмшатиш учун Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилгани муҳим омил бўлди.

Инқирознинг олдини олиш ва унинг таъсирини бартараф этишда юртимиз нафақат Ҳамдўстлик мамлакатлари, балки дунё давлатлари ичида энг юқори натижаларга эришиб келмоқда, иқтисодий ўсишнинг умумий кўрсаткичи, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ва изчил ўсиши таъминланмоқда. Бундай давлатлар, афсуски, ҳозир саноқли.

Ҳамон ҳукм сураётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва беқарорлик оқибатида келиб чиқаётган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонда ўтган йили нафақат иқтисодиётнинг барқарорлиги, балки юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Бунинг асосий омилларидан бири — ислоҳотларни амалга ошириш ва модернизациялашнинг ўзига хос моделини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида молия-банк тизимидаги ҳимоя механизмлари ишлаб чиқилди, шу ҳисобдан молия-бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, турли корхоналар ва иқтисодиётнинг реал тармоғи барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланди. Бунинг учун керакли ва мустаҳкам ресурслар базаси яратилди.

Натижада қийин вазиятда ҳам иқтисодиётнинг барча соҳасида прогноз кўрсаткичлар кутилган даражадан зиёд уддаланди. Албатта, бунда Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни ривожлантириш стратегияси, уни изчиллик билан амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашган йилларда ҳам мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришилгани тасодифий эмас. Буни 2010 йил якунлари яна бир карра исботлади. Агар 2009 йили ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ошган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 8,5 фоизни ташкил қилди. Бу дунё давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Яқинда Буюк Британиянинг нуфузли «The Economist» журнали 2011 йил бўйича прогноз эълон қилди. Унда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръати энг юқори бўлиши кутилаётган дунёнинг 10 та давлати қаторига киритилган. Бу 2011 ва кейинги йилларда иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, умуман, ислоҳотлар йўли тўғри эканини, жаҳон ҳамжамияти буни эътироф этаётганини кўрсатади.

Агар, дунёнинг манаман деган давлатлари ҳам ҳали инқироздан аввалги натижаларга эриша олмаётганини, аксариятида эса ҳамон таназзул давом этаётганини инобатга олсак, бу кўрсаткичлар нақадар қимматли ва улуғвор экани яққол намоён бўлади.

Ҳа, шундай. Жаҳон банки прогнозларига кўра, дунё иқтисодиёти ўсиш суръатлари яна тушиши кутилмоқда. Агар, дунёда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 2010 йили 3,9 фоиз бўлган бўлса, 2011 йили 3,3 фоизни, 2012 йили эса 3,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Демак, ҳали инқироз давом этмоқда. Унинг хавфи бартараф қилингани йўқ.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш асноси нафақат инқирозга қарши туриш ва унинг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш, балки янада кучли, барқарор ва мутаносиблашган иқтисодиётни шакллантириш вазифасини қўйган эди. 2010 йил якунлари ва олдимизга қўйган янги марралар бу вазифа тўлиқ адо этилаётганини кўрсатади.

Энг муҳими, иқтисодиётимиз нафақат ҳажм, балки сифат жиҳатдан ўзгармоқда. ЯИМ таркибида йилдан-йилга саноатнинг улуши ортиб бормоқда. Унинг улуши 2000 йили 14 фоизни, бугунги кунга келиб, 24 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши муттасил ўсмоқда. Айни пайтда, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси камаймоқда. Ўтган йили ЯИМ энергия сиғимининг камайиши ва меҳнат унумдорлигининг ошишига, бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва изчил ўсишига эришилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг амалий жиҳатдан кучли қирраларидан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қанот ёзишига, унинг иқтисодиётдаги мавқеи ва улуши ошишига устуворлик берилганидир.

Биласиз, иқтисодиётда кичик бизнес улуши 1991 йили 1,5 фоизни ташкил этган. 2000 йилга келиб, бу кўрсатгич 31 фоизга, 2010 йили эса 52,5 фоизга етди. Бу иқтисодиётимизда қисқа вақт ичида жиддий институционал ўзгаришлар содир бўлганини кўрсатади.

Агар, Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодиётини кўздан кечирсак, инқироздан катта талафот кўрган давлатлар иқтисодиёти таркибида кичик бизнеснинг улуши кам бўлгани ойдинлашади. У Россияда — 21 фоизни, Украинада — 16,7 фоизни, Белоруссияда — 11,4 фоизни ташкил этган. Қозоғистонда унинг улуши 2005 йили 40,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йили 31,7 фоизга тушиб қолган...

Шу маънода, давлатимиз раҳбари 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб бежиз эълон қилган эмас. Бу соҳага устуворлик берилиши барқарор иқтисодий ўсишни, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривож топиб, самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Бу тармоқ иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда, истеъмол бозорини сифатли маҳсулот билан тўлдириш, қўшимча иш ўринлари очиш имконини яратади, иқтисодиётимизга мультипликатив самара беради.

Айни вақтда саноатни маҳаллий хомашё асосида, ички ва ташқи талаб бўйича ривожлантириш сиёсати тармоқда жиддий таркибий ўзгаришларга омил бўлмоқда. Қазиб олиш саноати улуши камайиб, қайта ишлаш тармоқлари улуши ортмоқда.

Ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга ошди. Юқори қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этди. Саноат корхоналарида 160 дан ортиқ янги маҳсулот турлари ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

Айниқса, кимё ва нефтекимё (15,4 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (11,6 фоиз), енгил (17,3 фоиз) ва озиқ-овқат (13,1 фоиз) тармоқларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Мамлакат экспорт салоҳиятидаги ўзгаришлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг «барометри» ҳисобланади. Қаранг, маҳсулот экспорт қилиш суръати 2009 йили 2,4 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, 10,8 фоизни ташкил қилди.

Экспорт таркибидаги тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан ошиб кетди. 1991 йили унинг таркибида хомашё товарлар 90 фоизни ташкил этган. Бу сифат жиҳатидан тубдан фарқ қиладиган янги иқтисодиёт шакллананганидан гувоҳлик беради. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари (1,8 марта) ва асбоб-ускуналар (2,1 марта) экспорти кескин ўсди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон автомобилсозлик саноати кейинги йилларда жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ўтган йили ишлаб чиқилган замонавий енгил автомобилларнинг учдан бир қисми ўндан ортиқ хорижий мамлакатга экспорт қилинди.

Ютуқларимизнинг яна бир муҳим омили — мамлакат ҳудудларининг барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир ҳудудда миллий ва ҳудудий манфаатдан келиб чиқиб, маҳаллий ресурс ва талаблар асосида иқтисодиётни шакллантириш ижобий самара берди.

Мамлакатимиз минтақаларида ялпи ҳудудий ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсишини кўздан кечирсак, суст ривожланган ҳудудларда кейинги йилларда ўсиш суръати юқори бўлаётганини кўриш мумкин. Масалан, 2010 йили муқаддам саноати суст тараққий топган Қорақалпоғистон Республикаси (9,4 фоиз), Жиззах (19,3 фоиз), Наманган (23,7 фоиз), Сурхондарё (12,9 фоиз), Сирдарё (11,1 фоиз) ва Хоразм (10,5 фоиз) вилоятларида ўсиш суръатлари республика кўрсатгичидан сезиларли даражада юқори бўлди.

Энг муҳими, бу жараён ҳудудлар ўртасидаги тафовут камайишига олиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2011 йили иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларни белгилаб берди:

— Таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш;

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;

— Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароит яратиш;

— Инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш;

— Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш;

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дастурини амалга ошириш;

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилиш.

Устувор йўналишларни амалга ошириш мамлакат иқтисодий тараққиёти даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади. Унинг рақобатбардошлиги ошади. Шу билан бирга, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

Шу маънода, Ўзбекистон танлаган миллий тараққиёт йўли тўғри эканини дунё ҳамжамияти бежиз эътироф этаётгани йўқ. Сиёсатчилар, йирик иқтисодчи-олимлар бу тажрибани ўрганиш лозимлигини таъкидламоқда. Чунки унинг замирида улуғ мақсад, чуқур ўйланган оқилона ғоялар ва уларнинг ечимлари, бир сўз билан айтганда, бой амалий тажриба мужассам.

Шу боис, кечагина танлаган йўлимизга шубҳа билдириб, «буюк» давлатлар андозасини тиқиштираётган халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар бугун бизнинг тажрибамизни ўрганмоқда.

2009 йили Москвада А.Г. Худокормованинг «Иқтисодий назария: Ғарбдаги янги оқимлар» монографияси чоп этилди. Унда иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти соҳиблари яратган назариялар барча давлат учун бирдек тўғри келмаслиги ҳаётий мисоллар билан асослаб берилган. Шунингдек, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган. Шу тариқа профессор Стиглицнинг монетеристик докторинасини қўллаш Ғарб давлатларидан ташқари, кўплаб мамлакатлар иқтисодий сиёсатини барбод этганини илмий жиҳатдан асослаб кўрсатган.

Ҳозир, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг, хорижий мамлакатларда ҳам шундай тадқиқот ва илмий хулосалар юзага келмоқда. Ҳолбуки, биз йигирма йил аввал иқтисодий ислоҳотлар йўлини танлашда Ғарб илмий концепциялари ёки бўлмаса, ривожланган давлатлар тажрибасини тўғридан-тўғри «кўчириш» мумкин эмаслиги ҳақида аниқ тўхтамга келган эдик. Бунинг тўғри экани вақт ўтиши билан ҳаётда хорижий олимлар тадқиқотларида ўз тасдиғини топмоқда.

Маълумки, 2009 ва 2010 йилларда Тошкентда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ва Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланиш йўлини ўрганишга бағишланган халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган иқтисодчи олимлар, экспертлар бизнинг тажрибамизни қўллаб-қувватлаб, уни чуқур ўрганиш лозимлигига алоҳида урғу беришди. Жумладан, Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвидж шундай деди: **«Ҳозир, дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодий ўсиш ва тараққиёт моделига айланди. ...Мен Ўзбекистон тажрибасини дипломатик йўллар орқали дунёнинг бошқа давлатларига тарқатишни тавсия қиламан».**

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, дунё ўзгармоқда. Узоқни кўзлаб, оқилона йўл танлаган, элим-юртим деб фидокорона меҳнат қилган халқгина унинг синовларига дош беради, келгуси авлодларига озод ва обод Ватан қолдиради.

Аваэбек СОДИҚОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари,
иқтисод фанлари доктори.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Маҳалланинг чевар қизлари

Марғилон шаҳридаги Тоғлиқ маҳалла фуқаролар йиғинида тикувчилик цехининг ташкил этилиши ўндан зиёд чевар хотин-қизга доимий иш жойига эга бўлиш имконини берди.

Тадбиркор Зулхумор Каримова раҳбарлик қилаётган мазкур цехда буюртма асосида аёллар ва болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Бу ерда, шунингдек, уста-шогирд йўналишида маҳалла қизларига тикувчилик сирлари ўргатилаётир.

Суратда: *маҳалла чевари Феруза Умарқулова.*

Тадбиркорлар давлат ҳимоясида

Самарқанд вилоят божхона бошқармасида бўлиб ўтган очиқ мулоқот шундай номланди

Вилоят божхона бошқармаси, вилоят прокуратураси, давлат стандартлаштириш ва метрология маркази вилоят бошқармаси ҳамда бир қатор идоралар ҳамкорликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан соҳа вакиллари иштирокида очиқ мулоқот ўтказди.

Тадбир ташкилотчилари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонлар аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, жаҳон андозаларига мос келадиган экспортбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш учун астойдил ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлашди. Бу борада ҳар бир тадбиркор учун имконият эшиклари очиқ, агар бирор тадбиркорнинг қонуний манфаатига зид хатти-ҳаракат содир этилса, сунъий тўсиқ қўйилса, дарҳол тегишли идораларни хабардор этиш лозим.

— Бундан мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига кўмаклашишдан иборат, — дейди вилоят божхона бошқармаси масъул ходими, майор Абдусалом Абдураззоқов.

Қизиқарли баҳс-мунозара, савол-жавобга бой очиқ мулоқотда тадбиркор ва ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Бир қатор назорат идоралари вакиллари билан тадбиркорлар учрашуви ишларимизни ривожлантириш учун қўйилган пойдевор бўлди, — дейди тадбиркор Ж.Йўлдошев.

Дарҳақиқат, халқимизда маслаҳатли тўй тарқамас, деган нақл бор. Тадбирда келишиб олинган ҳар бир йўналиш юрт ободлиги, халқимиз турмуши фаровонлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Шуҳрат ЭШБОЙ

«Эверест реал имкон фаворит» масъулияти чекланган жамият жамоаси тўғри чокли электр пайвандлаш асосида диаметри ўн беш миллиметрдан юз миллиметргача бўлган 17 турдаги металл қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Дастлабки 15 тонна сифатли маҳсулот тайёрланди.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Металл қувурлар ва янги иш ўринлари

Тадбиркорлар дастлаб Андижон туманининг саноат ҳудудидаги бўш бинони таъмирлашди. «Ҳамкорбанк» туман бўлими кўмагида Хитой ва Германиядан лизинг асосида замонавий дастгоҳлар олишди. Ҳозир 30 ишчи-мутахассис кунига 30 тонна металл қувур тайёрлаяпти. Икки сменага ўтилгач, бу кўрсаткич 60 тоннага етиб, ишчилар сони яна 30 кишига кўпаяди.

— Айни пайтда хитойлик ҳамкорлар билан янги лойиҳа устида ишлаяпмиз, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Дилшодбек Қодиров. — Хорижлик шериклар сармоя киритиши билан азбес қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Тадбиркорларнинг енг шимариб астойдил ҳаракат қилиши туфайли сифатли маҳсулот тайёрланмоқда, янги тармоқлар очилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Суратда: *илғор ишчи Раҳматилло Жумабоев.*

Зарафшонда янги иссиқхона хўжалиги

Чўл шароитида ер очиб, сув чиқариб, иссиқхона хўжалиги яратишнинг ўзи бўлмайди. Хусусий тадбиркор Жамолиддин Жўрақулов бунинг уддасидан чиқди.

У тижорат банкидан олган кредитга хориждан замонавий асбоб-ускуна олиб келиб, ярим гектар майдонга эга иссиқхона ташкил этди. Шу тариқа зарафшонлик ўнлаб ёшлар ишлик бўлди. Янги иссиқхона хўжалиги маҳсулоти шифохоналар ҳамда болалар боғчаларига етказиб берилмоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили биз ишбилармонлар учун янги имкониятлар эшигини очди, — дейди «Форум Зарафшон» масъулияти чекланган жамият раиси Жамолиддин Жўрақулов. — Етти хазинанинг бири — паррандачиликка ҳам қўл урдик. Германиядан келтирилган 5 мингта «Ромин Браун» товуқлари тухум бера бошлайди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Айритом» божхона комплексида ИДК (инспекция-назорат комплекси) учун темир тўсиқ панжара ва устёпмаси билан платформа қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 348,2 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 290,1 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 286-уй,
Тел/факс: (8-376) 225-13-51, 225-26-05.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат божхона қўмитасининг махсус жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.